

Men Ramazon oyida ro'za tutdim, lekin namozlarni to'liq o'qimadim

21:40 / 27.04.2016 4490

САВОЛ: Мен Рамазон ойида рўза тутдим, лекин намозларни тўлиқ ўқимадим, бир танишим "намоз ўқимасангиз рўзангиз қабул бўлмайди", деди. Ҳақиқатдан ҳам шундайми?

ЖАВОБ: Аввало мен мухтарам савол эгасини 30 кун рўзани тўлиқ тутганлари билан чин қалбдан табриклайман. Аллоҳ таоло бошқа рўзадорларнинг қаторида бу кишининг ҳам рўзасини қабул қилган бўлсин. Чунки бандаларнинг қилган амалларини, ўқимаганингиз учун рўзангиз қабул бўлмайди"– деган кишилар қайси ҳужжат, далилга суянганлари биз учун номаълум. Лекин шуни яхши билиш керакки, барча ибодатларни, барча амалларни қабул бўлиши учун асосий шарт бу иймон – эътиқоддир. Шу билан бирга мукаллаф бўлишлик, яъни балоғат ёшига етганлик ва ақли ҳуши жойида бўлишлик шартлари бордир. Бундан кейин ҳар бир ибодатга алоҳида яна қўйиладиган шартлар бўлади. Ана шу шартларга қарайдиган бўлсак, рўза ибодатини қабул қилишга намоз ўқиш шарт қилинмаган. Албатта бу дегани, "рўза тутиб, намоз ўқимай юраверса бўлади" деган гап эмас. Лекин билишимиз лозимки, рўза ўзи алоҳида фарз бўлган ибодат, Исломнинг беш рукнидан бири ҳисобланади ва намоз ҳам ўзи алоҳида фарз бўлган ибодат, ҳам Исломнинг беш рукнидан бири, балки диннинг устун ҳисобланадиган ибодатдир. Шунинг учун намоз ўқимаслик албатта яхши эмас, рўзани 30 кун ният билан тутган одам учун айниқса намозни ҳам ўқимоқлик ниҳоятда осон бир иш ҳисобланади. Шунинг учун барча мўмин мусулмон биродарларга ўзимиз учун фарз бўлган намозни вақтида чиройли қилиб ўқиб юришимиз лозим эканлигини таъкидламоқчимиз. Лекин фикҳий маънодан гапирадиган бўлсак, Рамазоннинг рўзасини қабул бўлишига иншааллоҳ биз ишонамиз. Парвардигоро олам қабул қилган бўлсин. Иншааллоҳ, бундан кейин намозларни ҳам. вақтида ўқиб, рўзани ҳам ўрнида тутишни насиб қилган бўлсин